



Ю 25812
2

ТАНИШУВ



2000A-3165

ТАНИШУВ

KENNENLERNEN

КОНТРОЛЬНЫЕ ЭКЗЕМПЛЯРЫ

ЎОШКЕНТ «УЎИТУВЧИ» 2000


Кейинги даврларда Ўзбекистон — Германия алоқа-муносабатлари тобора яхшиланиб бормоқда. Хусусан, маданият соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бу ҳамкорлик икки мамлакат зиёлиларига катта наф келтираётир. Мазкур китобча ана шу ҳамкорликнинг бир нишонаси сифатида ёруғликка чиқди. Мажмуани нашр этишдан мақсад иккала мамлакат шоиру адабиётшуносларини ўзаро таништиришдан иборатдир.

«Танишув» умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари, академик лицейлар, олий ўқув юртларининг олмон тили факультетлари ҳамда таржимонлар тайёрлаш гуруҳ ва бўлимлари учун мўлжалланган.

Муҳаррир: педагогика фанлари доктори
Сафо Очил

Тақризчилар: доктор **Элизабет Латтаро**,
филология фанлари номзоди,
доцент **Шавкат Қаримов**

Муқовада: **Доимо Раҳимбекова**
(Франция) чизган суврат



25812
10 2

Ж 470000000000—108 буюрт. вар.—2000
353(04)—2000

© «Ўқитувчи»
нашриёти, 2000

ISBN 5—645—03647—6

САМИМИЙ ТАНИШУВ — ДУСТЛИК МАЕФИ

Улуғ шоир Поҳани Вольфганг фон Гётенинг жаҳон адабиётига қизиқиши виҳоятда катта бўлган. Шу туфайли у адабиётшунослик илмига «Жаҳон адабиёти» деган атамани олиб кирдики, бу унинг ўз дунёси яқин сарҳадлари бўйлаб сайр этиш учун топган имкониятидан келиб чиққан эди. Худди шу маънода Самимият, ўзгалар руҳий оламига Ихлос Гётенинг ботиний дунёсига таъсир ўтказганига шак-шубҳа йўқ.

Мумтоз олмон шоири Ислон дини фалсафаси, Шарқ шеъряти дурдоналарини пухта ўрганган эди. Унинг Шарқ маданиятига нисбатан беқиёс ҳайрати «Ғарбу шарқ девони»га замин бўлгани аниқ. Бу ноёб асар Урта Осиёда худди «Ёш Вертернинг изтироблари» романи сингари машҳурдир.

Гёте, Шиллер, Ҳайне сингари олмон мумтоз ёзувчиларининг ижодий мероси ўзбек китобхонларига маълум ва манзур. Аммо, Нобел мукофоти совриндори Ҳерман Ҳессе ижодини Ўзбекистонда кам билишади. Замонавий олмон адабиёти тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Шу мезон асосида баҳолайдиган бўлсак, қўлингиздаги «Танишув» шеърый тўплами алоҳида қимматга эгадир.

Таржимонлар — шоир Баҳром Рўзимухаммад ва филология фанлари номзоди Робияхон Абдуллаевалар томонидан ҳозирги замон олмон шоирларидан Ҳанс Магнус Энценсбергер, Урзула Крехел, Эрих Фрид, Дитер Веллерсхоф, Вольф Бирманн кабиларнинг асарлари ғарб шеъряти руҳини сақлаган ҳолда ўзбекчага ўгирилган. Номлари зикр этилган шоирлар ўз асарлари билан немис адабиёти равнақига катта улуш қўшишган. Таржима учун асарларни танлашда мутаржимлар ўзбек китобхони савиясини, дидини ҳисобга олган бўлиши керак, деб ўйлайман. Менимча, китобнинг ўзига хос хусусияти матнларни икки тилда, яъни аслиятда ва таржимада ёнма-ён берилганлигидир. Демак, ўқувчи бир-бирига ўхшамаган икки тил дунёсини ўзаро таққослаш имкониятига эга бўлади. Яна бир

муҳим жиҳати шундан иборатки, бу тўнлам бир вақтлар немисчани ўрганган-у айни пайтда бироз ёдидан чиқараёзган ўқувчиларда немис тилини пухта ўрганишга майл уйғотиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси адабий алоқаларнинг шу залдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Ушбу китобнинг нашр қилинишида ташаббус кўрсатган таржимонлар ҳамда ноширларга алоҳида ташаккур изҳор этамиз. Китобхонларга эса бу мажмуани ўқишларида майл-истак тилаб қоламиз. Қиёсий мутолаа ҳар бир китобхон учун маънавий бойиш йўлидаги манба бўлсин, деймиз.

Доктор Элизабет Латтаро

Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси
раҳбари.

*Оловга айланган
вақтимда*

(XX АСР НЕМИС ШЕЪРИЯТИДАН
НАМУНАЛАР)

Таржимон: *Баҳром Рўзимуҳаммад*

Тагламани *Робия Абдуллаева* тайёрлаган

ZWEI FEHLER

Ich gebe zu, seinerzeit
habe ich mit Spatzen auf Kanonen geschossen.

Daß das keine Volltreffer gab,
sehe ich ein.

Dagegen habe ich nie behauptet,
nun gelte es ganz zu schweigen.

Schlafen, Luftholen, Dichten:
das ist fast kein Verbrechen.

Ganz zu schweigen
von dem berühmten Gespräch über Bäume.

Kanonen auf Spatzen, das hieße doch
in den umgekehrten Fehler verfallen.

ИККИТА ХАТО

Демак чумчуқ билан мен
замбаракни нишонга олган эканман
дастлабки хато шу тушундим
ишонишим қийин кечди бунга
сукут сақлашим лозимдир энди

ухламоқ нафас ростламоқ ё шеър ёзмоқ
жиноят эмас булар айтарлик
аммо дарахтлар ҳақидаги суҳбатга
нуқта қўймасак бўлмас

чумчуқни замбарак билан отиб
иккинчи хатога йўл қўйдим ахир

ERKENNUNGSDIENSTLICHE BIHANDLUNG

Das ist nicht Dante.

Das ist eine Photographie von Dante.

Das ist ein Film, in dem ein Schauspiel auftritt, der vorgibt, Dante zu sein.

Das ist ein Film, in dem Dante Dante spielt.

Das ist ein Mann, der von Dante träumt.

Das ist ein Mann, der Dante heißt, aber nicht Dante ist.

Das ist ein Mann, der Dante nachäfft.

Das ist ein Mann, der träumt, er sei Dante.

Das ist ein Mann, der Dante zum verwechseln ähnlich sieht.

Das ist eine Wachsfigur von Dante.

Das ist ein Mann, der sich für Dante hält.

Das ist ein Mann, den alle, außer Dante, für Dante halten.

Das ist ein Mann, den alle für Dante halten, nur er selber glaubt nicht daran.

Das ist ein Mann, den niemand für Dante hält außer Dante.

Das ist Dante.

ТАНИШУВ

Бу Данте эмас
бу Дантенинг суврати холос
бу фильмда артист Данте ролини ўйнамоқда
бу фильмда Данте ролини Дантенинг ўзи ўйнамоқда
бу киши Данте ҳақида ўй сураётган киши
бу кишининг исми Данте лекин ўзи Данте эмас
бу киши Данте қилиқларини такрорламоқда
бу киши Дантеман деб турибди
бу киши Дантега адаштирарлик даражада ўхшаш
бу соқчи қиёфасидаги Дантедир
бу шунчаки шўх болакай Данте қиёфадоши
бу ўзини Данте деб ҳисоблаётган киши
Дантедан бошқа ҳамма бу кишини Дантемикан
деб ўйлайди
лекин унинг ўзи Данте эмаслигини билди
бу кишини Дантедан бошқа ҳеч ким Данте
деб ўйламайди
бу Дантедир

SCHATTENBILD

Ich male den Schnee
Ich male beharrlich
ich male lotrecht
mit einem großen Pinsel
auf diese weise Seite
den Schnee

Ich male die Erde
Ich male den Schatten
der Erde, die Nacht.
Ich schlafe nicht
Ich male
die ganze Nacht.

Der Schnee fällt
lotrecht, beharrlich
auf das, was ich male
Ein großer Schatten
fällt
auf mein Schattenbild.

In diesen Schatten
male ich
mit dem großen Pinsel
der Nacht
beharrlich
meinen winzigen Schatten.

СОЯ СУВРАТИ

Қор расмини чизаяпман
тинимсиз суврат чизаяпман мен
баҳайбат бир мўйқалам билан
ушбу оппоқ саҳифага
қор расмини
қандай ёғса шундай чизаётирман

ер сувратини чизаяпман энди
тунда тушган ер соясини
чизаяпман
ухламай
чизаяпман тун бўйи

қор оқ саҳифага
тиккасига тушмоқда
мен чизаётган саҳифага тушаётир қор
сўнг битта улкан соя ҳам тушди
менинг соя туширилган сувратимга

соянинг устига
ўша баҳайбат мўйқалам билан
зимистон тун расмини чизаётирман

кейин эса қўшиб қўяман
жиккаккнна
соямни
ўзимнинг

FRÜHMÄRZ

Sprech ich in diesem Frühjahr noch
von meiner arbeitslosen Liebe?
Die liegt danieder, krankt
im Zwielight
Zugvögel haben sie entführt
die wehrt sich nie.
Hol ich sie ein im Flug?

Rockzipfel flattern
ich häng mich dran.
Komm! Die Luft ist rein
ich lock dich lock dich
tief in die Haselbüsche.

НАВБАҲОР

Гапирмабмидим ахир сенга
йил бошида яна ишсиз қолган
муҳаббатим ҳақида

ана ғира шираликда
огриниб ётибди шўрлик

олғир қушлар ўғирлаб кетишганида ҳам
ҳимоя қилолмайди ўзини ўзи

яна учмоқдами боёқиш

юбкамни этаги ҳам шундай
париллаб учаётир энди

юбкамга илиниб қоламан
агар келмоқчи бўлсанг кел
ҳаво бирам тоза дейману
сени алдаб сулдаб
ёнғоқзорнинг овлоқ жойларига
олиб кетаман келсанг агар

NÄCHTRAG

In den alten Büchern
sind die Liebenden vor Liebe

oft wahnsinnig geworden.
Ihr Haar wurde grau
ihr Kopf leer
ihre Haut fahl
vor Liebe, lese ich.

Aber nie ist jemand
wahnsinnig geworden
aus Mangel an Liebe
die er nicht empfand.
Auch das steht
in den alten Büchern.

So hätte denn der Mangel
einmal sein Gutes

ИЛОВА

Кўҳна китобларда
ўқиганим бор
ҳушидан кетганлар севги дардида
ранглари сарғайган
сочи оқарган

аммо ҳеч ким ўша севгини
излаб топиб билмаганидан
телба бўлмаган
шу ҳақда
кўҳна китобларда ўқидим

барча нуқсонларига қарамасдан ишқ
фақат эзгуликка дахлдор бўлар

NÄHE

Wenn ich weit weg bin von dir
und wenn ich die Augen zumache
und die Lippen öffne
dann spüre ich wie du schmeckst
nicht nach Seife und antiseptischen Salben
nur nach dir


und immer näher nach dir
und immer süßer nach dir
je länger ich an dich denke
und manchmal nach uns
nach dir und nach mir und nach dir

Aber wenn ich bei dir bin
wenn ich dich küsse und trinke
und dich einatme
und ausatme und wieder einatme
wenn ich mit offenen Augen
fast nichts von dir sehe
ganz vergraben in dich
in deine Haut und in deine
Haare und deine Decken
Die duften nach dir
dann denke ich an dein Gesicht
weit oben
wie es jetzt leuchtet
oder sich schön verzieht in rascherem Atmen
und denke an deine
klugen genauen Worte
und an dein Weinen zuletzt
im Fenster des Zuges

Wenn ich bei dir bin
ist vieles voller Abschied
und wenn ich ohne dich bin
voller Nähe und Wärme von dir

ЯҚИНЛИК

Бордию сендан олислашиб кетсам
 кўзларимни юмиб
 совуини ёки бошқа нарсанинг эмас
 сочларинг исини ҳис қиламан мен
 сен ҳақингда қанчалик узоқ ўйласам
 сенга ва ўзимга ва сенга
 яқинроқ бўлавераман тобора
 ёнингда бўлсам
 бўса олсам
 ичсам
 ўлсам қайтадан тирилсам
 кўзларим очиқ турсаю
 ҳеч нарсани кўрмасам бироқ
 чойшабингга сочларинг исига
 пардек вужудингга кўмилиб кетсам
 ўшанда юқориларда юқориларда
 порлаб ярқирайдиган юзингни ўйлайман
 поезд деразаси олдида
 қолган сўнги йиғи товуши
 дона дона айтилган сўзлар
 шуларни ўйлайман ўйласам
 ёнингда бўлсам лекин
 сени тезроқ тарк этгим келаверади
 сениз кечган лаҳзалар бари
 яқинлик туйғусини уйготар менда



BILDLICH GESPROCHEN

Wär ich ein Baum ich wüchse
dir in die hohle Hand
und wärst du das Meer ich baute
dir weiße Burgen aus Sand.

Wärst du eine Blume ich grübe
dich mit allen Wurzeln aus
wär ich ein Feuer ich legte
in sanfte Asche dein Haus.

Wär ich eine Nixe ich saugte
dich auf den Grund hinab
und wärst du ein Stern ich knallte
dich vom Himmel ab.

ТАШБЕҲЛАР

Бошқа жойга эмас кафтингга
томир ташлар эдим дарахт бўлсам

денгизга айлансанг бордию
сенга атаб оқ қаср ясардим

бир думалаб гулга дўнсанг сен
тупроқдан суғуриб олардим барибир

кулбангни кул устига ўриатар эдим
өловга айланган вақтимда

аммо сув париси бўлсам
сув париси бўлсам сочи йилтироқ
кўм-кўк денгиз қўйнига тортардим сени

юлдуз бўлсанг ҳеч иккиланмай
кўкдан уриб туширардим сени мен

VOR DEINEN SEGELN

Wie ich dein Boot bin,
kannst du meines sein.
Spann dein rotes auf mein blaues Segel.
Pflanz den Mond ins Meer
und lache, wenn ich weine.

Sei ein guter Steuermann,
wenn ich langsam sinke,
vor deinen Segeln sinke
mit meinem Boot
vor deinem.

ЕЛҚАНЛАРИНГ ОЛДИДА

Сенинг қайиғинг бўлсайдим қани
меники бўлардинг шаксиз шубҳасиз
биласанми мовий елканимни
сенинг қизил елканинг ўйлаб топибди

шундай экан Ойни қўндир денгизга
тушир уни пастга
йиғласам сен кул

йиғидан тиниб
шундоқ елканларинг олдида
қайиғим билан чўка бошласам
сен кўкка чиқиб ол
йўлчи юлдуз шаклига кириб

* * *

Deine Lippen waren trocken
deine Lippen waren feucht
es begann dunkel zu werden
so langsam
und allmählich war da
in meinem Kopf
jenes andere Feld
wo es unentwegt regnete.
Ich ging mit dir
Arm in Arm
von einer Vergangenheit
in die andere
und immer sagten wir uns
Guten Morgen Gute Nacht.
Ist es die verbrauchte
oder die verbrachte Zeit
die ich in deinem Gesicht sehe?
Oder ist hinter uns alles
ohne Unterschied?
Du warst schön
im grasgrünen Traumwasser
der neuen Jahreszeiten
du warst neben mir
in den schlaflosen Nächten
und auf der anderen Seite
der Einsamkeit
hörte ich dich sagen:
Laß mich die kurze Wärme
des Lebens spüren.

Für Maria
30. Dezember 1973

ЛАБЛАРИНГ

Намчил эди
 қандайдир таъм бор эди
 лабларингда сенинг бир нафис
 фараҳли оқшом эса
 оҳиста оҳиста
 тушмоқда эди
 ва ниҳоят тушди
 бу ердасиз бошқа дала-тузда
 ёмғир сепалаётган эди чунки
 эҳтимол хаёлдадир ким билади
 сен билан қўл ушлашиб кетаётгандик
 ўтмишдан яна бошқа ўтмишга қараб
 «салом» «хайрли тун» дер эдик тинмай
 чехрангда шаклланишга улгурган
 биз харж қилган лаҳзамиди билмадим
 ёки оптимизда қолган барча нарсалар
 кўз ташлашга арзитайдиган нарсалармиди
 биласанми янги бир номсиз фаслнинг
 яшил ям-яшил чечакларга чулганган
 ўша рўёлар дарёсида гўзал эдинг сен
 уйқусиз тунларда ёнимда
 ёлғизликнинг орқа тарафида турар
 эдинг-ку
 «ҳаётнинг бир парча илиқроқ қисмини
 ҳис қилишимга ижозат бергил»
 деганингни аниқ эшитдим

BRIGITTE

Ich ging zu dir
dein Bett war leer.
Ich wollte lesen
und dachte an nichts.
Ich wollte ins Kino
und kannte den Film.
Ich ging in die Kneipe
und war allein.
Ich hatte Hunger
und trank zwei Spezi.
Ich wollte allein sein
und zwar zwischen Menschen.
Ich wollte atmen
und sah nicht den Ausgang.
Ich sah eine Frau
die ist öfters hier.
Ich sah einen Mann
der stierte ins Bier.
Ich sah zwei Hunde
die waren so frei.
Ich sah auch die Menschen
die lachten dabei.
Ich sah einen Mann
der fiel in den Schnee
er war besoffen
es tat ihm nicht weh.
Ich rannte vor Kälte
über das Eis
der Straßen zu dir
die all das nicht weiß.

БРИГИТТА

Хонаингга кирсам
 ҳеч ким йўқ экан
 у бу нарса ўқимоқчи бўлдим
 пича ўтириб
 ўша эски кино қўйилаяпкан экан
 кинотеатру афишасига қарасам
 шундоқ ўтиб қаҳвахонага кирдим
 танҳо ҳис қилдим ўзимни
 ниҳоятда танҳо
 оч эдим
 икки қадаҳ ўсимлик шарбатидан ичдим
 янада ёлғиз бўлмакни хоҳлаб қолдим
 шу баробарида одамлар орасида
 бўлмакни ҳам
 ниҳояси йўқ эди бу хаёлларни
 қаҳвахона эшиги олдида
 кунда шунда аёлга дуч келдим
 бир истакан пивога
 қаттиқ тикилаётган эркакни кўрдим
 яна учта йўқ иккита итни
 парвойинпалак ўйноқлашарди ўша итлар
 инсонга қараганда эмиш ва эркин
 қаҳқаҳани эшитдим
 қаҳвахона деразасидан мўраласам
 бир маст кишини эрмак қилишаётган
 эканлар
 ташқарига чиқдим юзтубан ағанади алкаш
 ҳеч ери оғримади чоғи инқ этмади
 совқотдим
 жу-да совқотдим
 бироз исиниб олмоқчи бўлиб
 сенинг кўчангга элтувчи
 туман
 ва
 муз қоплаган йўлак сари чопдим
 ҳеч ким кўрмаган бўлсин ишқилиб

* * *

Weil du die Tage
zu Schiffen machst,
die ihre Richtung kennen.

Weil dein Körper
lachen kann.

Wiel dein Schweigen
Stufen hat.

Weil ein Jahr
die Form deines Gesichts annimmt.

Weil ich durch dich verstehe,
daß es Anwesenheit gibt,

liebe ich dich.

* * *

Ўз йўналишини ўзи биладиган
кемаларга айлантирмоқчиман
кунларни чунки

шунда баданинг
бир роҳатланади

жимлигингни эса
биз билмаган қирралари бор

чеҳранг шаклида
шакланмоқда йил
чунки

сен туфайли
ўзимни қандай тутишни билдим
сен туфайли билдим чунки
сени севаман фақат

VERLASSEN

Leer das Bett, klein das Frühstück,
wunder Punkt am Morgen.
ICH also wieder, allein vor Zeitungspapier,
Nebenan, weit weg, das Telefon:
keine Erinnerung an ihre Nummer.

Dem Zentrum entgegen, als einer unter allen!
Endlich war ich mir weniger, standen Waren herum,
wo wir uns trafen und zur Seite stießen.
Schöne Frau, ich ging vorüber,
auch sie, und beide waren wir vorbei.

Andere Frau, zugezogener Vorhang
und vier harte Blitzlichter.
Ich sah nur ihre Bluse, weich auf der Brust.
Dieser Anblick, ohne Gesicht,
war mir gerade recht.
Wir standen nebeneinander und sahen geradeaus.
Wie zum Glück schwieg sie.
Daß sie mir nicht gefiel, gefiel mir an ihr.
Als hätte sie es endlich geschafft,
sich für niemanden mehr herrichten zu müssen.

Wie der Beweis, den ich brauchte,
kamen die Fotos.
Den ich sah, das war ich.

ЕЛГИЗЛИК

Тоиг гира шира бӯзараётган пайт
кат бӯм-бӯш
саҳарги нонушта
Кейин яна газет тахламлари рӯпарасидаман
сал нарида телефон номери неччиди

оломонга қўшиламан сўнг
мана ўша биз учрашган хайрлашган жой
ёнимдан ўтиб кетган эди хушсурат хоним
сўнг ўтиб кетдим ўз ёнимдан ўзим
хаёлим тарқоқ эди кичрайдим

театру саҳнасин бахмал пардаси
прожектор ёғдусида ёришгани каби
пайдо бўлар экан яна бир хоним
кофтасини туртиб турган бўлиқ сийпаси
фақат шу кўринарди кўзимга
деярлик қиёфасиз эди
хуш ёқарди менга қиёфасизлиги
жимлиги хуш ёқарди унинг
хабарлар мароқли эди мен учун
мен тарафга қарамади у
қарагиси келмади ниҳоят
ва шунинг исботи сифатида
жўнатилган хат

иккита суврат
ўзимники эди иккитаси ҳам

DAS GEWICHT DER SEELE

Heute früh ein Brief aus Berlin.
Eine Freundin teilt mit, daß amerikanische
Wissenschaftler durch eine Wiegemethode
vor, während und nach dem Sterben
herausgefunden haben: beim
Überqueren des letzten Flusses
gehen dem Menschen 21 Gramm
Gewicht verloren,
das Gewicht,
nehme ich an,
der Seele.

Heute abend ein Anruf, ein Freund
in London ist gestorben,
31 Jahre, Hirnschlag,
jetzt schon verwesender Leib
minus 21 Gramm Seele.
Die Stadt Wien wirst du nicht mehr
abbrennen sehen, Benny, und nicht
den Planeten Venus.
Wie hieß das letzte Mädchen?
War die Maschine gut geölt,
was war im letzten Glas?
Und wem galt dein letzter
Zorn?

Wog deine Seele diesen Leib
nicht mehr auf und zerschlug
dir das Hirn?

Ratlos sitzen deine Freunde vor den Frauen,
seltsam schmecken die Getränke, kälter
scheint die Erde.

Freudlos sitze ich diese Nacht über den Tasten
und verstehe doch nichts anderes
als mich an die 21 Gramm zu klammern,
die meine Finger schreiben machen
und meine Träume vorbereiten
auf den Tod.

ЖОН УЛЧОВИ

Бугун тонгда Берлиндан хат келди
 хатда ёзилишича Америка олимлари
 одамнинг жони узилаётганда
 ундан 21 грамм кўзга кўринмайдиган юк
 ажралиб қолишини кашф этишибди
 шу ҳақда ёзибди дўстим
 ўша оғирликни мен
 танадан кўтарилган жон деб ўйладим
 кечқурун сим қоқишди
 Лондонда 31 ёшли бир биродарим
 мия фалажидан қазо қилибди
 энди унинг жасади
 —21 граммга камайган жасад
 оҳ Бенни
 сен энди Вена шаҳрида ёнгин чиқса кўрмайсан
 Венера сайёрасини кузатмайсан ҳам
 сен сўнгги марта меҳр қўйган
 ўша қизнинг исми нимади
 мойлаганмидинг машинангни
 қопқоғи очилган шишада нима бор эди
 кимга йўналтирилган эди энг сўнгги қаҳринг
 жасадингни мувозанатда сақламоқ учун
 жонинг орқага қайтмайдими энди
 миянг бутунлай йўқ бўлиб кетдими
 дўстларинг аёллар рўпарасида
 сўлжайиб ўтиришибди бир ғамгин
 ичимликларнинг таъми ҳам ғалати
 ер эса қаттиқ
 янада совуқ
 телеграмма жўнатадиган ускунани қучоқлаб
 шуларни ақл чиғиригидан ўтказяпман мен
 демак бармоқларимни ёздирадиган ҳам
 ўлимга тайёрлайдиган тобора
 ўша мени чирмаб турган 21 грамм юк
 бошқа ҳеч нарсани
 ўйламайпман

FRAGILE

Wenn ich jetzt sage
ich liebe dich
übergebe ich nur
vorsichtig das Geschenk
zu einem Fest das wir beide
noch nie gefeiert haben
Und wenn du gleich
wieder allein
deinen Geburtstag
vor Augen hast
und dieses Päckchen
ungeduldig an dich reißt
dann nimmst du schon
die scheppernden Scherben darin
gar nicht mehr wahr

Карин Кивус

MURT SOBFA

Сени севаман
дегим келади
ҳали биз
ҳеч қачон нишонламаган
байрамга атаб совға юборгум
сен эса ўшанда
ҳеч бир касдан гина қилмасдан
туғилган кунингни
ўтказсанг танҳо
сенга тугунчани
элиб берсалар
синиқ чини идишлар
чиқса унинг ичидан
сен томоша қилсанг
оҳистагина

WEIL DU

Weil du
wieder einen Garten geträumt hast
mit einer Bohnenlaube
Bienen

möchte ich einen Baum pflanzen
der schnell
alt wird
morsch hohl

damit in seinem Innern
Platz ist
für

dein Bienenvolk

Ханс Юрген Хайзе

ЧУНКИ СЕН

Чунки сен
асалари шовқинини
ям-яшил қўйнига бекитадиган
қуюқ савитзорни орзу қилгандинг

чунки мен
ўтқазганим заҳоти шох ёйиб
баҳайбат алфозга кирадиган бир
антиқа дарахт ўстирмоқчийдим

Дарвоқе ичи ковак бўлиб
ўша бебош болариларинг учун ҳам
жой берадиган дарахтни албатта

SCHÖNE WORTE

Für Dich
Trag ich die
Schönsten Worte zusammen
Und leg sie
Unter Dein Kissen
Aber morgens erzählst
Du von
Bösen Träumen

Дитер Лайзеганг

ЧИРОЙЛИ СУЗЛАР

Бу кераксиз тош эмас
сен учун кўтариб юрганим
сўзлардир бир нафис
ёстигинг остига
қўяман билдирмай
аммо тонг билан
сен менга қўрқинчли тушингни
хавотирланиб сўзлаб берасан

ERSTES GEDICHT FÜR ANNA

Zufall hat uns umarmt
Zufall wird uns trennen

Ich nehme deine Hände
und wölbe einen Himmel

Du suchst meinen Mund
und überquerst das Meer

Von Dunkel zu Dunkel

Zufall ich Zufall du

Рихард Питрас

АННАГА БАҒИШЛАНГАН БИРИНЧИ ШЕЪР

Тасодиф бизни комига тортади
сўнг қўйиб юборар тасодиф

қўлингдан ушлаб
осмон сари етаклайман сени

лабларимни ахтараётган чоғингда
денгизни кесиб ўтаётган бўласан

зим-зиёликдан сўнг яна зим-зиёлик
мен тасодифман сен ҳам тасодиф

LIEBESGEDICHT

Kröten sitzen gern vor Mauern,
wo sie auf die Falter lauern.

Falter sitzen gern an Wänden,
wo sie dann in Kröten enden.

So du, so ich, so wir.
Nur — wer ist welches Tier?

Роберт Гернхард

* * *

Бақалар пастда
ғишт девор остида турнақатор
капалакларни пойлашмоқда
иштаҳаси карнай

капалаклар юқорида
ғишт девор бетиде
иштаҳаси карнайларни
томоша қилмоқдалар

шундайсан шундайман шундаймиз
бу тўғрику-я лекин
ким қандай махлуқ ўзи
кимимиз капалак кимимиз бақа

BAHROM RÜSIMUHAMMAD

Davsaman

Таржимон: профессор *Инге борг* БАЛДАУФ
(Германия)

СОЯ

У тўхтади
таққа тўхтади сояси ҳам
қотиб қолди у
ҳаракатланаётган соясини кўриб
унинг вужудидан
соя ўз вужудин ажратди
бир силкинди кейин
ўттиз йиллик бандиликдан сўнг
роҳат қилиб керишиб олди
бори-йўғи битта кўз сўради соҳибидан
соҳиби берди
бир қўл сўради
уни-да берди соҳиби
бир кўз
ва битта қўл билан
соҳиби ила хайрлашди соя
жим эди
жим эди соясиз одам
забони кетибди рухсат сўрамай
унинг кўрган-билганлари ҳақида
гапириб юради энди сояси

1994

DER SCHATTEN

Er blieb stehen
und tack stand still auch sein Schatten
da erstarrte er
seinen Schatten sehend der sich bewegte
von seinem Leib
trennte seinen Leib der Schatten
dann schüttelte er sich
nach dreißig Jahren der Knechtschaft
genüßlich sich räkelnd
nur ein einziges Auge erbat er von seinem Gebieter
sein Herr gab es ihm
er erbat eine Hand
auch diese gab ihm sein Herr
mit einem Auge
und einer einzelnen Hand
sagte der Schatten seinem Herren adieu
er war still
er war still der Mann ohne Schatten
seine Zunge war gegangen ohne Urlaub zu nehmen
von dem was er erlebt und erfahren
erzählend ging um nun sein Schatten

АРОСАТДА

Ёлғон ва Ростнинг ўртасидаман
икки тушунча оралигида қисилиб қолдим
улар бир-бирига тўқнашганида
мен жон аччиғида қичқиришим керак
ўлиш-ку ҳеч гапмас лекин мен қизиқаман
жон аччиғида қичқирган каломим
қай томонга дахлдор бўларкан кўпроқ
балки учинчи қутбни ўйлаб топарман
мен ҳам тўқнашарман учинчи Тушунча
бўлиб.

1989

ZWISCHENDRIN

Ich bin zwischen Richtig und Falsch
zwischen zwei Gedanken in der Klemme geblieben
wie die beiden aufeinander stoßen
muß ich schreien in Todespein
nun sterben ist gar nichts aber ich bin gespannt
welche Seite wohl eher trifft
mein Wort das in Pein ich geschrien
oder erdenke ich den dritten Pol
und stoße mit drauf als Dritter Gedanke

1989

ДЕРАЗА ПАРДАСИ ЯШИЛЛАНМОҚДА

Дераза пардаси яшилланмоқда
ойнадан тушмоқда ям-яшил шафақ
қаранг истеъфога чиқибди бугун
қуёшда қизил ранг чарчаб ниҳоят
яшил қуёш кўтарилар энди уфқдан
бу дарахтга қаранг таажжуб
япроғи қоғоздай оқ ва йилтироқ
баҳор қаергадир ғойиб бўлибди
ўрнин эгаллабди қандайдир фасл
ана тепаликда тунука дарахт
барг ёзиб дафъатан ўса бошлади
фақат ўз шаклида кечиккан қушлар
йилтироқ дарахтга келиб қўнишди
тунука дарахтнинг илдизларига
бақрайиб қотиб қолди қуртбоши
бир лаҳза тин олди бошқа қуртлар ҳам
кейин эса бир думалаб бу тўда
кумуш қуртлар тўдасига айланиб қолди
қоронғи ер остида
илдизларнинг учқуни каби

1989

ES WIRD GRÜN HINTERM VORHANG AM FENSTER

Es wird grün hinterm Vorhang am Fenster
durch die Scheiben fällt sattgrün der Morgen
seht an: abgetreten ist heute
zuletzt die Röte der Sonne erschöpft
eine grüne Sonne steigt auf aus dem Dunst
diesen Baum da schaut an na sowas
seine Blätter sind weiß wie Papier und blitzblank
entschwunden der Frühling anderswohin
an seine Stelle getreten eine andere Zeit
da dort oben der Weißmetallbaum
entfaltete Blätter auf eins und schlug aus
nur die Vögel verspätet in eigener Gestalt
ließen sich nieder auf dem blinkenden Baum
an den Wurzeln des Weißmetallbaumes
erstarrte vor Staunen der Oberste Wurm
einen Atemzug verhielten auch die anderen Würmer
dann aber in einer einzigen Wendung
ward zu silbernen Würmern das Würmerheer
unter dem dunklen Boden
wie Funken aus dem Wurzelgeflecht

1989

Булбул сайроғига ирғитдим
 бўғиқ товушини олиб бойқушнинг
 игна тешигидай дарча очилди зимистон тундан
 ундан яна бир товуш оқиб кирди сўнг
 ҳимояланиб олган бир товуш
 аммо ичкарида ҳеч ким қолмади
 яъни ўша товушни эшитиб ўтирадиган
 ҳамма чиқиб кетди дарчадан
 яна янграй бошлади булбул овози
 мана дедим ўзимча етиб олишибди Чин Тонгга

1989

UND SCHON WIEDER EIN MORGEN

Ich warf dem Abendlied der Nachtigall hin
 der Nachteule dumpfes Gebuh
 in der dusteren Nacht tat eine Luke sich auf
 nadelöhrklein
 und es spülte herein einen anderen Klang
 einen Klang der sorgsam behütet
 indes niemand verweilte herinnen
 die ihn nämlich vernahmen den Klang
 durch die Luke hinaus strebten / sie alle
 und schon wieder hub an der Nachtigall Stimme
 na da haben sie's sprach ich meinsteils erreicht das
 Wahre Morgenlicht

1989

Суврат Қатор дарахтлар
ва улар оралиғидаги мовий ранг жимлик
ва уни қамраган туман
табийдир дарахт
табий дарахтнинг ҳар бир шохчаси
аммо бу жимлик
бу жимлик бизнинг асрга муносиб эмас
бу жимлик Одам ато давридан илгариги жимлик
алдама дўстим
чин мусаввир бўлсанг
туманини жойлаштир жимлик ўрнига

1989

DAS SURREALE BILD

Das Bild: Baum an Baum in der Reihe
und dazwischen blauefarbene Stille
und Nebel um alles herum
ganz echt sind die Bäume
ganz echt ihrer Zweiglein ein jedes
jedoch diese Stille
diese Stille gehört nicht zu unserer Zeit
so still war die Stille der Zeiten vor Adam
trüg nicht mein Freund
wenn ein rechter Maler du bist
mal Nebel hinein statt der Stille

1989

УЧБУРЧАК ШЕЪР

Бу китобни
тун бўйи
кемирди
сичқон

: : :
Сўзлар ҳазм
бўлмади
ичида.
Нимадир ялтирар
пайпаслаб кўр-
дим
кафтимга санчилди
игнадек
битта
сўз.

EIN DREIECKGEDICHT

Dieses Büchlein hat
in einer Nacht
benagt die
Maus

...
Die Worte hat ihr
Gedärm nicht
verdaut.

Da blinkt irgendwas
ich hab es er—
tastet

da stach meine Hand
nadelspitzig
das eine
Wort.

ИШОНЧ ЙУҚОЛАЕТГАНДА

Аввал ишонилган,
эътиқодга айланган нарсалар
бирдан шубҳа туғдирса юракда.:
Бу йўл,
оёқларим остидаги равон йўл
боши берк кўчаларга келиб туташса...
Ҳаммаси
нодир буюмларни сандиқдан олиб
деразадан ирғитиш билан баробар—
тош сингари эзар вужудни
буюмлар жарангидан яралган
ёқимсиз куй.

GEHT DER GLAUBE VERLOREN

Wenn dereinst was wir glaubten,
was zum Credo uns wurde
im Herzen mit einemmal Zweifel erweckt.:
Wenn dieser Weg,
der geläufige Weg unter meinen Füßen
an vermauerte Sackgassen stößt.:
Das ist wie
aus der Truhe zu nehmen erlesenen Schmuck
und zum Fenster hinaus ihn zu werfen —
Wie Stein zermalmt deine Seele
wenn das Klimpern des Schmucks komponiert
dieses garstige Lied.

АКС ҲОЛДА

Яхшиямки шифт бор. Акс ҳолда
кўзга яқин келмасди уйқу.
Юлдуз тушмайдини бошимга
ёмғир каби ҳаракатда у.
Ухлагани қўярмиди нур,
унга очиқ қорачиқ керак.
Сукунатни ҳурмат қилмаслик
соф юзига сачратмоқ хуррак.
Осмонона ҳаётдан бизни
яхшиямки ажратади шифт.
Тушимизда учиб чиқамиз,
пар тўшакка узала тушиб.

WIDRIGENFALLS

Ach wie gut daß es einen Plafond gibt. Widrigenfalls
möchte Schlaf sich dem Auge nicht nähern.
Fällt auch keiner der Sterne mir aufs Haupt
die wie Regen sich oben bewegen?
Ließe zu wohl das Licht, daß du schläfst,
wo den Augenstern offen es braucht?
Und respektlos, ins Antlitz der Stille,
das reine, wär's zu schleudern Geschnarch.
Ach wie gut daß vom himmlischen Leben
uns getrennt hält unser Plafond.
Hoch hinauf fliegen wir in unsern Träumen
und im Federbett liegen wir platt.

ЯХШИ БЎЛДИ

Таваллуд топганим яхши бўлди менинг
бу оламга келиб
бироз зеркиб олдим

Ҳар ҳолда яхши бўлди туғилганим
қуёш деб аталган совуқ нарсага
кафтимни қўйиб
ҳароратим туширдим сал-пал

Иўқ нолимайман
яхши экан бу дунёда кўз очмоқ
ранглардан чарчаган қорачиқларга
таътил бердим мен бунга келиб

Ачинмайман ўтган умримга
Рост салтанатидан Ёлгон дунё тарафга
ярим қадам отмоқчи бўлдим
қадамимни қўймадим бироқ

1993

IST JA GUT

Ist ja gut, daß geboren ich bin
ein klein wenig störte es mich
zur Welt zu kommen

Aber ist doch gut, daß ich geboren wurde
meine Handflächen legend
um das kalte Ding namens Sonne
hab mein Fieber ich etwas gesenkt

Nein ich klage ja nicht
ist ja recht diese Welt zu erblicken
den Pupillen, die müd all der Farben,
einen Urlaub zu gönnen, da ich kam

Mich dauerts nicht um mein vergangenes Leben
aus dem Reich des Wahren in die Welt der Lüge
hab ich vor einen halben Schritt zu tun
noch aber schreite ich nicht

1993

ДАВСАМАН

Профессор Ингеборг Балдауфга

Жунлари ҳурпайган ва йилтироқ
кўзлари қип-қизил
тумшуғи узун

нафис ҳаракатлар ила
мозордан мазорга сакраб юради

Икки томчи қондек кўзларини
тикиб турар экан зимистонликка
ҳувиллаб юборар дафъатан

Ой шуъласини қўзғотади юлғунлар
қотиб ухлар минг йилги тупроқ
туш кўришга-да қувватсиз тупроқ
таралиб туради бир ҳорғин йиғи

Жомеъ масжидининг қуббаларида
шуълалар бир-бирин изидан қувар
ҳалқа бўлиб айланади сўнг

Чинқираб йиғлайди чақалоқ
юлғунлар жўр бўлар тупроқ ҳам
қовжираган овоз ила йиғлайди
қуббаларга урилади чинқириқ

Шунда икки оёғида тик турар давсаман
руҳлар даврасига қўшилар келиб
уларнинг бемаъни ўйинларини
кузатиб жим қотар
давсаман шу тахлит ухлайди

Уйғонмоқчи бўлади давсаман тонгда
жисмини ҳеч сезмайди бироқ
кўзини очишга уринган маҳал
ярқ этиб гуллайди юлғун гунчаси
эриб битганини шунда билар у

Жомеъ масжидининг қуббаларида
бўртиб улғаяркан маҳобат
арвоҳлар нафасин ичга ютади
Мозористон тунининг подшоҳи
жисмини шабнамга улашган махлуқ

жунлари ҳурпайган ва йилтироқ
кўзлари шафақранг
овози қора
чақалоқнинг кўзига менгзар овози...

DÄVSAMAN

Gesträubt das Fell und glänzend
die Augen wie Feuer rot
langschnäuzig
mit flinken Gebärden
so springt er von Grab zu Grab.

Wie zwei Bluttröpfchen sind seine Augen
er heftet sie in die Finsternis
und heult plötzlich los

Den Mondstrahl rühren auf die Tamariskenwedel
starr und steif schläft der tausendjährige Staub
nicht mal Träume zu schauen vermag er
ein müdes Weinen breitet sich aus

Auf den Kuppeln der Freitagsmoschee
jagen die Mondstrahlen einer den andern
um dann sich zum Kranze zu drehn

Es wimmert der Säugling
Tamarisken und Staub stimmen ein
sie weinen mit welkender Stimme
das Gewimmer rankt sich um die Kuppel

Da steht auf zwei Beinen kerzengerade der Davsaman
schließt dem Reigen der Geister sich an
und mucksmäuschenstill sie fixierend
schläft er ein, Davsaman

Als der Morgen graut will er erwachen
doch er fühlt seinen Leib nicht
als die Augen zu öffnen er sich müht
sprengt die Knospe die Tamariske
und er weiß daß geschmolzen er ist

Auf den Kuppeln der Freitagsmoschee
schwillt die Großartigkeit
und die Geister wagen nimmer zu atmen

König des Friedhofs der Nächte
ein Geschöpf das seinen Leib hingegeben dem Tau
gesträubt das Fell und glänzend
seine Augen wie Morgenrot
schwarz ist seine Stimme
seine Stimme gleicht den Augen des Säuglings...

ИНСОННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Мен фаройиб меваман
Елғизлик Дарахтидан узилган мева

Йўқ мен ерга тушмадим
ер кўтарилиб келди мен томон
ва бандимдан узилдим қўйдим

Бир сап-сарик маймун
оқ фаришта билан суҳбатлашаётган эди
фаришта кўрсаткич бармоғи ила
ишора қиларди осмонга
қиқирлаб куларди маймун
фаришта такрор ва такрор
осмонга чўзарди кўрсаткич бармоғини
қорнини ушлаб хохоларди маймун
фаришта учинчи маротаба жиддий
сўз қотди маймунга
маймун саросимада
менга қаради
ва ўша лаҳзада
Елғизлик Дарахтидан узилдим бирдап
суҳбат шабадаси чирт узди мени
фаройиб меваман
Елғизлик Дарахтининг меваси

1994

WAS DEM MENSCHEN SO WIDERFÄHRT

Ich bin eine seltsame Frucht
eine Frucht losgerissen vom Baume der Einsamkeit.

Nein ich fiel nicht zur Erde
die Erde erhob sich zu mir
und ich riß los von meinem Gelenk.

Ein knallgelber Affe
plauderte mit einem weißen Engel
mit seinem Zeigefinger
wies der Engel zum Himmel
der Affe kreischte vor Lachen
wieder und wieder
reckte der Engel den Finger empor
grölend hielt sich der Affe den Bauch
ein drittes Mal wandte der Engel
an den Affen ein ernstes Wort
stauend
blickte der Affe mich an
und in diesem Moment
riß vom Baume der Einsamkeit plötzlich ich los
das Lüftchen des Plauderns riß mit Knacken mich ab
ich bin eine seltsame Frucht
eine Frucht vom Baume der Einsamkeit.

1994

Ит муаллақ ҳавода
 ўргимчак тўрида
 типирчилар ит

Тилло ҳалқа
 ярқирайди бўйнида
 одамнинг кўзидек
 ит кўзи чақнайди

Назар ташлар кимёназар пийр
 вовуллаб ибодат қилар экан ит
 овози айланар ҳамду санога

Оллоҳ деб ўсади чечаклар
 қалдирғоч тумшугида одам шажараси
 зум ўтмай
 беш дақиқа
 илонга айланиб туради ҳалқа

Гоҳ тилла ҳалқа у
 гоҳ илон
 гоҳ ҳалқа
 гоҳ

Ит одам қавмига қўшилди
 узлатга чекинди
 итнинг жисмию
 одам қалби ва кўзи билан

1994

DER HUND DES HEILIGEN

Der Hund hängt in der Luft
im Spinnennetz
zappelt der Hund

Ein goldener Reif
blitzt um seinen Hals
wie menschliche Augen
so funkeln die Augen des Hunds

Der Heilige wirft seinen Wunderblick
und es betet wauwauend der Hund
zum Gotteslob wird sein Gebell

Um Gottes willen wachsen die Blumen
im Schnabel der Schwalbe der Stammbaum der Menschheit
und sogleich
fünf Minuten
wird zur Schlange der Reif

Bald ist es ein Goldreif
bald Svhlange
bald Reif
bald

Dem Menschengeschlecht schloß er an sich der Hund
in die Einsiedelei zog zurück
sich der Hundeleib
mit dem Herzen und Auge des Menschen

Худди думли комета каби бир «фикр» мия қаватлари ичидан «йилт» этиб ўтиб кетди. Ҳатто шаклланишга улгурмаган бу «фикр»ни воқеалари бир-бири ичига кириб кетган тарқоқ тушнинг каттароқ бўлагига ўхшатаман баъзан. Бу фақат эсимда қолган белгилардан биттаси, холос. Мияга чўғланиб тушиб сўнгги қаватига етмай ёниб битган «фикр». Яхшиямки, оз умр кўрди, акс ҳолда шеър ичига тушиб улғайганида борми, қўшниларини — катта-кичик сўзларни ёқиб юбориб култепада фақат битта ўзи яшармиди...

* * *

Grad wie ein geschweiffter Komet durchzog ein Gedanke einmal blinkend da drinnen die Falten des Hirns. Er vermochte noch nicht einmal From anzunehmen. Mit Fragmenten zerfledderter Träume, ineinander verstrickt ihre Handlung, möchte oft ich Gedanken vergleichen.

Sie sind nur im Gedächtnis verbliebene Zeichen, sonst nichts.

Ach wie gut, daß kurzlebis verglomm der Gedanke, eh das Hirn bis zur hintersten Windung er durchglost, denn gesetzt er wär' unter Gedichte geraten und gewachsen, und hätte seine Nachbarn, die großen und kleinen Wörter, in Brand gesteckt — auf dem Aschenhaufen hätt' nur alleine er überlebt.

КҮЗОЙНАК ТАҚИБ

Қиёфаси саёз,
бировнинг кўзларини кўзойнак каби
тақиб олган бу одам
ўз тили билан чурқ этмас—
у гапираётган сўзлар
ўзгалар кўксидан тортиб олинган
Тонгга қараб эснар,
эсноғидан яралган тутун
кўзларини ачитар.
Қишда,
қор аралаш музлаб қолган қизил гулдек
Унинг юраги туман ичида.
Қачон бош ўсиб чиқар
елкалари орасига?
Билмайди,
билмайди кўзойнак тақиб
яшашдан чарчаётган одам.

AUGENGLÄSER AUF

Seicht anzusehn
hat eines anderen Augen
dieser Mann wie Augengläser auf
er muckst nicht mit eigener Zunge —
senie Worte
hat aus sonst jemens Brust er gezerrt.
Er niest gen Morgen,
und der Qualm der da ward aus dem Niesen
brennt scharf seine Augen.
Im Winter,
wie eine eisgefrorene Rose im Schnee,
liegt im Nebel sein Herz.
Wann mag ein Kopf ihm sprießen
da zwischen den Schultern?
Er weiß nicht,
er weiß nicht, die Augengläser auf,
der Mann der vom Leben erschöpft.

СЕН УЧАВЕР

Сен одамсан, ҳайкал эмассан,
ҳайкал адашмайди ҳеч қачон—
бор вужуди абадиятда
уни чулғаб олган шуҳрат-шон.
Тошга монанд тепар юраги,
кунлар унинг пойида майда.
Унинг соатида мангулик
мангуликка айланар қайта.
Бир қуш учса учишни истаб
худди сендек қарамас йўлга.
Чўчитолмас ҳеч қандай шуҳрат—
сен учавер, у учиб бўлган.

FLIEG DU NUR

Du bist ein Mensch, ein Standbild bist du nicht,
ein Standbild würde nimmer irre gehen —
in Ewigkeit ist alles was es ist
umfängen halten fest es Ruhm und Ehre.
Wie Stein so klopft sein Herz,
zu seinen Füßen winzig sind die Tage.
Auf seiner Uhr geht hin die Ewigkeit
und kehrt als Ewigkeit zu ihm zurück.
Wenn ein Vogel fliegt weil er fliegen will
achtet nicht er des Wegs, grad wie du.
Keine Ehre kein Ruhm nichts schüchtert ihn ein
flieg du nur — er ist lang schon dahin,

АСЛ УМРИМ

Бу мевани еб бўлмас,
данагига ёпишиб
сайр қилаяпти-ку қуртлар.
Кун бўйи қуёш
кулранг булут ичида ухлади
(соати тўхтаб қолганми?)
Кундуз эмас бу,
тун ҳам эмас.
Менинг ҳаётим-чи?
Улкан китоб —
баъзи варақларга сиёҳ тегмаган.
Уша саҳифани юлиб ташласак
аён бўлар бари.
Менинг асл умрим
капалак вужудидек бормикан,
дарахтда
ойдек тўлишган
меваларга ўхшармикан у?

MEIN WAHRES LEBEN

Diese Früchte kann man nicht essen,
an ihren Kern klammert
mit Muße sich mancher Wurm.
Den ganzen Tag schlief die Sonne
in aschfahlen Wolken
(war ihre Uhr denn stehengeblieben?)
Das ist nicht Tag,
ist auch nicht Nacht.
Und mein Leben?
Ein mächtiges Buch —
nicht berührt manche Seiten von Tinte.
Rissen wir diese Seiten heraus
würde es offenbar.
Mein wahres Leben
ist es so viel wie das eines Falters,
ähnelte es den Früchten
prallrund wie der Mond
an dem Baum?

1. Учишни хаёл қилган қурбақа хусусида

Қурбақанинг
 кўршапалакка ҳасади келди:
 кўзи кўр,
 сичқондек бу махлуқ
 осмонда учаяпти
 унинг қанотларини кўраяпман ой ёруғида.
 Шундай экан-да дунё:
 Мана, менинг қисматим—
 сакраш,

сакраш,
 сакраш
 сассиқ ҳовузчага шўнғиш
 ва гужгон ўйновчи чивилар—
 пешонамга ёзилгани шу.
 аммо, кўршапалак...

Мана, кўм-кўк кўзларим,
 мана, енгил вужудим,
 сайрасам овозим бор.
 Қани энди учсам...

У ўзидан нафратлана бошлади,
 шунда бирдан муштдек бошига
 битта хаёл келиб қўнди:
 балиқлар ҳам учмайди,
 ҳатто қуруқликка чиқа олмаслар,
 илонга-чи, оёқ битмаган,
 боши йўқ чувалчангининг

Қурбақа ўзини бахтиёр сезди,
 эски қўшигини бошлади яна.

1. Über den Frosch, der vom Fliegen träumte

Der Frosch
 beneidete die Fledermaus:
 Dieses blinde
 mausgleiche Geschöpf
 fliegt am Himmel,
 ich seh ihre Flügel im Mondenschein.
 So ist die Welt.
 Mein Schicksal, da sieh nur —
 hüpfen
 hüpfen
 und hüpfen
 in stinkeode Tümpel sinken
 nach spielenden Mücken schießen
 das ist es, mein Los.
 Jedoch eine Fledermaus...
 Sieh da meine seeblauen Augen,
 sieh da meine leichte Gestalt,
 das Stimmchen zum Singen.
 Ach flöge ich doch...
 und er mochte sich selber nicht mehr,
 bis in seinem faustkleinen Hirn
 ein Gedanke zu nisten begann:
 Es schwimmen auch nicht die Fische,
 sie steigen noch nicht mal an Land,
 der Schlange sproß noch kein Bein
 und dem Wurm fehlt der Kopf.
 Da fühlte der Frosch sich im Glück
 und begann von neuem sein früheres Lied.

2. Ҳасис сичқон хусусида

Сичқон уясига олтин танга олиб кирди,
бу гал мушук эмас.
изидан қувди баҳайбат бир қўл.
Жимжилоқ хонасига ташриф буюраркан
ташқарига чиқмади сичқон,
чиқмади, хавотирни кўриб:
Шубҳасиз, одамнинг
йўргакдаги чақалоғи ҳам
Сичқон уясига сиға олмайди—
буни тушунишади улар.
—Сичқон,—деди одам,—
болачаларинг рақс тушармиди
олтин танга ёруғида,
менга бер уни,
эвазига нон бераман бир бурда.
—Йўқ,—деди Сичқон,—
болаларим кўриб қўйишсин
муқаддас буюмин—тиш ботмайдиган.
;..Шундай қилиб Сичқон
одамга бермади олтин тангани.

2. Über die geizige Maus

Die Maus zog ein Goldstück ins Nest,
nicht die Katze jagte sie diesmal,
nein, eine chrfurchtgebietende Hand.
Da der kleine Finger ihre Kammer beehrte
ging die Maus nicht hinaus,
ging nicht aus, war gewahr der Gefahr.
Ganz gewiß, nicht einmal des Menschen
krabbelnder Balg
käm' ins Mausnest hinein —
das sahen sie ein.
— Maus, sprach der Mensch,
tanzen deine Kleinen etwa
in des Goldtalers Glanz,
gib ihn her,
und ich tausch ihn dir ein für ein Brot.
— Aber nein, sprach die Maus,
meine Kleinen sollen sehen
dieses heilige Teil — von dem man nicht abbeißen kann.
... Und so rückte die Maus
dem Menschen das Goldstück nicht raus.

ДОНИШМАНДНИНГ ҚИТОБИ

Донишманднинг
яшил муқовали китобини
ўқийсан

аста-секин
худди чувалчанг қўзғолаётгандек
чивиннинг шаклига кирар ҳарфлар
қанотини қайраб турар сен ўқиётганда
ўқиб битирсанг учиб кетарлар

Донишманднинг яшил муқовали китоби
ҳарфлардан бўшаб қолади
тутқунликдан сен бўшатдинг уларни

янчилган одамларни кўрасан кейин
орзу-умидларни териб оларлар
қайтадан-қайтадан
ян-чар-лар
қулоқни бекитасан,
кар бўлишдан кўрқиб
Донишманднинг яшил муқовали китоби
мангу қабртош
бундай тошни умрим бино бўлиб кўрмадим
чўян панжарами
нима қилмоқчилар ўзи бизларни
Ўқийсан
Ўқийсан
қабртош битикларин энди бирма-бир
зангори қанотларин тараб,
Митти фаришталар
кўзингдан бекиниб туришар
кўз югуртирсанг бас.
бир-бирин пинжигга киргудек
дир-дир титрарлар

Раҳм-шафқат қил
олисроқ кетгил
худо қарғаган ўшал донишманднинг.
эрмак учун яратган Машғулоти қошидан

1993

DAS BUCH DES WEISEN

Du liest
das grünegebundene Buch
des Weisen

langsam sacht,
wie der Staubwurm sich regt,
formen Buchstaben sich zu Fliegen
ihre Flügel wetzend solange du liest
wenn du fertig gelesen fliegen sie weg

Das grünegebundene Buch des Weisen
bleibt buchstabenfrei nun zurück
du hast sie befreit aus der Sklaverei

später siehst du zermalmete Menschen
sie lesen Wünsche und Hoffnungen auf
nochmal—und—nochmal
zer—mal—men sie
du machst die Ohren dicht
aus Angst zu ertauben

Das grünegebundene Buch des Weisen
ein ewiger Grabstein
mein Lebtag habe keinen ähnlichen Stein ich gesehn
gußeiserne Gitter etwa
oder was wollen sie machen mit uns,

Du liest
und du liest
nun die Schrift auf dem Grabstein eins um eins
ihre bläulichen Flügel kämmend
stehen die winzigen Engel
vor deinem Aug sich verbergend
läßt das Auge du wandern — vorbei
als wollten zusammen sie schlüpfen
zittern und beben sie

Sei gnädig
beweg dich
aus der Nähe des Zeitvertreibs
jenes Weisen der hadert mit Gott

Ҳали туғилмаган пайтимдаги хаёлимни беринг
 биринчи тушимни беринглар менга
 кўзёшимни беринг ҳеч бир тўкмаган
 ва ҳеч ким кўрмаган бир рангини

Беришди

ғалати суюқлик тайёрладим сўнг
 бироқ
 ўйлаб тополмадим унга мос идиш

1989

FREIHÄNDIG

Gebt meinen Tagtraum von damals, eh ich geboren
 meinen ersten Traum, gebt ihn mir
 meine Tränen gebt her, die nie ich vergossen
 und eine Farbe, die keiner gesehn
 Man gab's
 und ich rührte zusammen einen seltsamen Sud
 doch
 ein rechtes Gefäß dafür konnte ich mir nicht erdenken

1989

Чўзилиб ётибди РУҲ
 менинг ўрнимда
 қоп-қора зулматда фақат ўзига ўхшаб
 чўзилиб ётибди РУҲ
 ўзидек хотиржам
 айлангиси келади
 айлангиси келаверар
 ёлғизликдан бошқа ҳамма нарсага

1989

SINNEN

Der GEIST liegt breit hingefläzt
 an meiner Statt
 nur selber sich ähnlich im stockfinstern Dunkel
 der GEIST liegt breit hingefläzt
 unbesorgt wie er selbst
 will er wandeln
 will er grad mal so wandeln
 sich aus Einsamkeit in alles andre

1989

Ярқироқ эди умидлари унинг
 ҳеч нарса нур сочмаган бунчалик
 ёруғликни ёритгудек важоҳати
 тушлар кўрар эди бир ғаройиб
 бошини олишга фармон беришди
 бошини кесишди умид ва тушнинг
 уясини кавлаб кўришди
 бир япроқ чиқди мия қаватидан
 ҳеч ким ўқий олмади япроқдаги битикни

1989

DER TOD DES AUFSTÄNDISCHEN

Hell waren seine Hoffnungen
 nichts sonst hatte Licht gespendet so reich
 da er auftrat wurde noch heller der Tag
 er sah im Traum was kein Prophet je gesehen
 sie befahlen ihm abzuhauen
 ihm abzuhauen den Kopf der Hoffnung den Träumen
 das Nest zu zerstöbern
 aus der Falte des Hirns sproß ein Blatt
 die Schrift auf dem Blatt konnte keiner entziffern

1989

Бир парча гӯшт юрак
дукиллаган бир дона товуш
бошқа ҳеч бир сас йўқ
нақадар тор дейсиз нақадар тор
эътиқод йўқ унда
йўқ худопинг исми
нақадар кенг дейсиз нақадар кенг
ёвузлик ҳужраси каби кенг

1989

DAS KÄMMERCHEN BOSHEIT

Das Herz ein Stück Muskel
ein einzig tuckendes Klangteil
sonst ist da kein Laut
so eng ist's sagt ihr ach so eng
darein ist kein Glaube
Gottes Name ist nicht
wie weit ist's sagt ihr ach wie weit
so weit wie das Kämmerchen Bosheit

1989

СЕН КҮЗГҮ БҮЛ

Сен тилла бұл,
мис мислигини,
темир темирлигин тўғри тушунсин.
Сен кўзгу бұл
ҳеч ким ўзининг
ўзидан каттароқ аксин кўрмасин.

SEI DU EIN SPIEGEL

Sei du ein Goldstück,
soll das Messing als Messing,
soll das Eisen als Eisen sich selber verstehn.
Sei du ein Spiegel,
soll sein eigenes Abbild
keiner größer in dir als in Wirklichkeit sehn.

ТЕЛБА

Битта пар юлиб олар-да, қушдан
тупроққа кўмар
сўнг эса
қуш униб чиқмоғин кутади телба.
Бир ҳовуч уруғни
қуш уясига ташлаб ўтару
майса унмоғига ишонар қаттиқ.

DER NARR

Ein Federchen rupft er dem Vogel aus
vergräb't's in der Erde
und dann
wartet er daß draus ein Vögelein sprieße, der Narr.
Ein Händchen voll Samen
sät ein er ins Vogelnest und
glaubt fest daß die Saat werde keimen.

ЭҲТИЁТКОР

Бошни эмас,
телпакни асра тошлардан
телпагинг тошдан бўлсин
эҳтиёткор одам.
Қўлқопни совуқ сувга урма
қўлқопинг тошдан бўлсин
эҳтиёткор одам.
Ен чўнтакни,
чап чўнтакни ўқ тешмасин
камзулинг тошдан бўлсин
эҳтиёткор одам.

DER VORSICHTIGE

Nicht den Kopf,
den Hut schütz vor Steinen
dein Hut sei aus Stein
vorsichtiger Mann,
den Fäustling tauch nicht ins kalte Wasser
dein Fäustding sei Stein
vorsichtiger Mann.
Den Beutel,
die Tasche soll der Pfeil nicht durchlöchern
dein Wams sei aus Stein
vorsichtiger Mann.

ОЙ УРНИГА

Тўлқинни соғинтирар бу фасл,
Суюқ кулбасида ойнанг
учратмайсан совуқ шуълани.
Фақат ой ўрнига кўзингни олар
ярқираган балиқлар қабри

ANSTELLE DES MONDES

Diese Zeit läßt die Welle dich vermissen.
In der Hütte des Mondes, in der nassen
wirst begegnen du keinem kalten Licht.
Doch anstelle des Mondes fängt dein Auge
nun der Fische bleichblinkendes Grab.

- Бунча имиллайсан, тошбақа?
 - Мени тушунардинг тошдан ясалсанг,
 - Қайга элтяпсан бу тошни?
 - Билмайман.
- билмаганим учун элтяпман уни.

1984

- Schildkröte, was machst du so langsam herum?
 - Du würdest's verstehn, wärst aus Stein du gemacht.
 - Wohin trägst du denn deinen Schild?
 - Ich weiß nicht,
- und weil ich's nicht weiß,, trage ich ihn herum.

1984

ҚЎРҒАЗМАЛИ ҚУРОЛ

Бу ўқ —
Пушкиннинг кўксига теккан ўқ;

бу олма —
Ньютоннинг бошига тушган олма;

бу от —
Екатеринани тепган от;
тарихий ўқ,
тарихий олма,
тарихий от.

VORZEIGEDINGE

Diese Kugel —
ist die Kugel die Puschkins Brust getroffen;

dieser Apfel —
ist der Apfel der Newton auf den Kopf fiel;

dieses Pferd —
ist das Pferd das Katharina die Große getreten;

historische Kugel,
historischer Apfel,
historisches Pferd.

ХАРИД

Кўп нарсаларни
кўз ёшларимиздан танга ясаб
сотиб оламиз.
Кўп нарсалар
бизни-да сотиб олар
кўзимиздан танга ясаб.

KAUF

Vieles
kaufen wir mit Silbertalern
gemacht von den Tränen unserer Augen.
Und vieles
kauft uns mit Silbertalern
gemacht aus unseren Augen.

AD KŪZI BŪLSA..

Агар сен қурт бўлсанг
айбдор эмассан.
қуртга кўз керакмас
қулоққа эҳтиёж сезмас ўзида.
Кўзи бўлсайди
қуёшга ҳам тушар эди у.

UND HÄTTE ER AUGEN..

Wenn du ein Wurm bist
liegt es nicht an dir,
der Wurm braucht kein Auge,
er vermißt an sich nicht das Ohr.
Und hätte er Augen
befiele er auch noch die Sonne,

ВОКЗАЛНИНГ КУТИШ ХОНАСИДА

Бу ерда ёлғизлик рутубати бор,
ҳеч ким чурқ этмас,
бегоналик пардасини кўтармас ҳеч ким:
бу ерда, жарлик устида
ҳали қурилмади кўприклар:
буларнинг ҳаммаси—
кўринмас одам,
қорачиғи бўм-
бўш.

IM BAHNHOFSWARTESAAL

Hier ist es klamm vor Einsamkeit,
keiner muckst,
keiner hebt den Vorhang des Fremdseins;
hier sind über die Kluft
noch keine Brücken gebaut;
das sind alles —
unsichtbare Leute,
ihr Augenstern
leer.

АГАР

Уша оламдан қайтмасам
мактубингни ўқий олмасман,
битта ҳарфини-да танимас кўзим.

Қайтмасам ўша оламдан
қулоғимга ҳеч товуш кирмас,
ҳеч нарса акс этмас онгимда.

Бу оҳори тўкилган йўлга
қадам ташламоғим учун даставвал
қайтиб келмоғим шарт ўша оламдан.

WENN

Wenn ich dieser Welt nicht entsage
kann deinen Brief ich nicht lesen,
erkennt keinen einzigen Buchstaben drinnen mein Auge.

Entsage ich nicht dieser Welt
ann dringt in mein Ohr keine Stimme,
kein Widerhall klingt dann durch meinen Verstand.

Um auf diesen verwitterten Weg
meine Schritte zu setzen tut not
daß zuerst dieser Welt ich entsage.

БЕГУНОҲ

На яхшилик қилди ва на ёмонлик,
қўйдек ювош,
қўй оғзидан бир чўп олди у.
Етмиш йил туш кўрди,
етмиш йил!
Буни қаҳрамонлик деса бўлади!

BRAV

Nichts Gutes hat er getan und nichts Böses,
sanft wie ein Schaf
nahm einen Halm er dem Schaf aus dem Maul.
Siebzig Jahre lang hat er geträumt
siebzig Jahre!
Wenn das kein Heldentum war!

УЧРАШУВ

Биз минг йил аввал учрашган эдик.
Хаёл тортқиларди уругни
нур тушмаган кимсасиз жойда.

Асрлар ўтади лаҳза каби тез—
уруғ ёрилади — сачраб чиқар гул,
бир думалаб болакайга айланар хаёл.

Кел, бугун хайрлашамиз:
сен—тошга парчиланган гул,
мен—оқариб ётган суякман.
бугун ажрашайлик нур тушмаган жойда

BEGEGNUNG

Vor tausend Jahren trafen wir uns...
am Samenkorn nestelnd das Traumbild
an einsamem lichtlosem Ort.

Jahrhunderte ziehen vorbei wie im Nu —
der Same birst auf — es entspringt eine Rose,
wie im Flug wird ein Kindchen der Traum.

Komm, sagen wir heute uns lebewohl:
du — die Rose gepreßt an den Stein,
ich — ein weißgebleichtes Gebein,
so scheiden wir heute an lichtlosem Ort.

Елғизман
 юрагимнинг ичи қоп-қоронғи зулмат
 яна қоронғилашар ўйлаганим сайин
 ниҳоят қизиқроқ хаёл топаман
 охир-оқибат
 нима ёритабиларкан шундай зулматни

1989

NÄCHTLICHER ZEITVERTREIB

Ich bin allein
 rabenschwarz finster mein Herzensinneres
 und es wird noch finstret je länger ich sinne
 endlich fällt mir etwas was höchst Spannendes ein
 letztundschlußendlich
 was mag wohl so eine Finsternis erhellen

1989

Профессор Ингеборг Балдауф Австрияда таваллуд топган. Ҳозирги кунда Хумбольд университетининг Марказий Осие тиллари кафедраси мудираси лавозимида ишламоқда. Олиманинг аксарият тадқиқотлари Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ижодига бағишланган. У Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» асарини таржима қилган.

Ингеборгхонимнинг бир қанча адабий-танқидий мақолалари ўзбекчага ўғирилган.

Шоир ва таржимон Баҳром Рўзимуҳаммад 1961 йилнинг 10 январида Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. «Товушсиз қадам», «Теракка яқин юлдуз», «Икки нур», «Давсаман», «Тинч гуллайдиган дарахт», «Кундуз сарҳадлари» (Сайланма) номли китоблари чиққан.

У адабий танқидчилик билан ҳам шуғулланади. Жадид адабиёти намояндаси Абдулҳамид Чўлпон ижодига бағишланган «Чўлпон — тонг юлдузи демак» илмий-педагогик рисоласи чоп этилган.

ЎЗГА БОҒГА КЎЧИРИЛГАН НИҲОЛ

Бир боғда ўсаётган ниҳол иккинчи боғга кўчирилса, унинг тутиб кетиши қийинроқ бўлади. Шунингдек, об-ҳавоси ўзгачароқ мамлакатдан бошқа мамлакат боғига ниҳол ўтқазиб ўстириш янада мураккаб. Шу ҳар икки ҳолатда ҳам боғбоннинг билими, маҳорати муҳим аҳамиятга эга.

Бизнингча, бадний асарларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг юқоридаги каби ҳолат билан ўхшашлиги бор. Айниқса, шеърий таржимада ҳар томонлама тўлақонлилиikka эришиш мумкин эмас. Бироқ мутаржим маҳорати юксак бўлса, таржима қилинаётган асар тилини, ўша халқнинг ўзига хос руҳий ҳолатларини, шеър муаллифининг ботиний туйғуларини, шеър колоритини пухта билса, шеърий таржима аслиятга яқинроқ жараңлаши мумкин. Бу шеъриятнинг барча йўналишларига дахлдор.

Шеъриятнинг яна бир йўналиши адабиёт майдонига кириб келмоқдаки, бу оқим модерндир. Модерн ўтган асрнинг иккинчи ярмида Франция, Германия, Польша, Чехословакия сингари Ғарб мамлакатлари адабиётларида пайдо бўлди. Кейинчалик бу оқим турк адабиётига ҳам кириб борди. Бу далил дунё халқларининг модернга қизиқишини ва илиқ кутиб олинганини исботлайди. Бошқача айтганда, модернчи шоирлар жаҳон шеърияти саҳнасида муносиб ўрин олдилар.

Зотан, шеъриятнинг модерни йўналиши ўзбек адабиётига 80-йиллар охирида кириб кела бошлади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, фан-техника, адабиёт ва санъатнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъи назар, Янгилик турли қийинчиликлардан сўнг қабул қилинган. Дарҳақиқат, анъанавий шеъриятдан анча-мунча фарқланувчи МОДЕРН оқими ҳам шундай аҳволни бошидан кечираётгани сир эмас.

Модерн шеър учун Руҳ тасвирини чизиб, Ҳис ва Туйғулар рангию оҳангини Сўз қудрати орқали жонлантириш, ўқувчини ҳаёт ва турмуш ёхуд табиат қонуниятларига айнан хос бўлмаган рамзий, тимсолий ўхшатишларга

тафаккур кучи ила ишоптириш ва шу кабилар ўзига хос хусусиятдир. Модерн шеърга юзаки қаралса, маъно-мазмун жиҳатдан, бадий воситаларнинг қўлланилиши юзасидан у мавҳумдай туюлиши мумкин. Бироқ шеър Рухининг ботиний рангларини самовий тасаввур орқали фарқлай билиш муҳимдир.

Бас, шундай экан, ҳозирги замон Фарб шеърятини ўзбекчалаштириш бироз қийинчилик туғдиради. Чунки ўзбек мутаржими юқорида зикр қилинган модерн шеърый йўналишини яхши билмоғи ва шу бадий услубда ижод қилиши лозим.

Дарҳақиқат, ўзбек модерн шеърятини оқимининг бошида шоир Баҳром Рўзимуҳаммад турибди. У шу йўналиш бўйича олмон ва ўзбек адабий алоқаларини юксалтириш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқдаки, Баҳром таржимасида Ўзбекистон Республикасининг қатор рўзнома ва ойномаларида Вальтер Хелмут Фриц, Ханс Магнус Энценсбергер, Урзула Креҳел, Улла Хаан, Дитер Веллерсхоф сингари олмон шоирларининг шеърый асарлари ўзбек тилида чоп этилди. Мазкур «Танишув» тўплами ҳам шу ижодий фаолиятнинг маҳсулидир.

Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад таржимонлик салоҳиятини ҳозирги замон олмон шеърятини ўзбекчалаштиришдан бошлади. Унинг таржималаридан Германиянинг ўзига хос давр колорити ва шеър колоритини, шунингдек, олмон ижодкорлари ботиний-руҳий кечинмаларини яхши ўргангани, ҳис қилгани кўриниб туради. Қолаверса, Баҳром олмон тилига хос сўз ўйинлари ва фразеологик бирикмаларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини анча тўғри таллашга эътибор берган:

Weil du die Tage
zu Schiffen machst,
die ihre Richtung kennen.
Weil dein Körper
lachen kann.

Баҳром Рўзимуҳаммад таржимаси:

Ўз йўналишини ўзи биладиган
кемаларга айлантирмоқчиман
кунларни чунки

шунда баданинг
бир роҳатланади

Олмон шеъри ўзбек тилида маъно-мазмун жиҳатдан ҳам, услубий жиҳатдан ҳам ўз ифодасини топгандай. Асл

нусхада шоир ўз фикрини иккинчи шахс бирликда берган. Мутаржим эса уни биринчи шахс бирлик шаклига алмаштирганки, «Сен» лирик қаҳрамони «Мен» орқали тасвирланган. Бу шеър моҳиятига маъний таъсир этмаган. Мақсад очилган, иккинчи парчадаги «Iachen» («кулмоқ») «роҳатланади» каби берилганки, бу, бизнингча, аслиятнинг ўзбекона муқобелидир.

Ўзбек шоири Баҳром Рўзимуҳаммаднинг шеърлари Хумбольт университетининг Ўрта Осиё тиллари кафедраси мудири, профессор Ингеборг Балдауф томонидан олмон тилига ўтирилган. У ўзбек тилини билиши баробарида таржимачиликда муайян тажрибаси бор. Бу эса Б. Рўзимуҳаммад шеърларини ағдаришда қўл келган.

Балдауфхоним ўзбек шоирининг назмини ўтирар экан, у шеър руҳини, лирик қаҳрамонларининг ички кечинмаси-ю ҳолатларини чуқур ҳис қилганлиги кўзга ташланади:

Кел, бугун хайрлашамиз:
сен—тошга парчиланган гул,
мен—оқариб ётган суякман,
бугун ажрашайлик нур тушмаган жойда:

Ингеборг Балдауф таржимаси:

Komm, sagen wir heute uns lebewohl:
du — die Rose gepreßt an den Stein,
ich — ein weißgebleichtes Gebein,
so scheiden wir heute an lichtlosem Ort.

Шунчаки қаралса, биринчи сатр мазмуни таржимада ўзгарганга ўхшайди. Бироқ мутаржим «хайрлашш»нинг маъноси охириги сатрда ҳам мавжудлигини ҳис қилган ҳолда ўша «юк»ни сўнги мисрага юклаган.

Умуман олганда, «Танишув» тўплами олмон ва ўзбек халқларининг маданий-маърифий ва адабий алоқаларини ривожлантириш йўлидаги қутлуғ қадамдир.

САФО ОЧИЛ,
педагогика фанлари доктори.

МУНДАРИЖА

Оловга айланган вақтимда

(XX аср немис шеърятидан намуналар)

Таржимон: Баҳром Рўзимуҳаммад

Тағламини Робия Абдуллаева тайёрлаган

Ҳанс Магнус Энценсбергер

Иккита хато 7

Танишув 9

Соя суврати 11

Урзула Крехел

Навбахор 13

Илова 15

Эрих Фрид

Яқинлик 17

Улла Ҳаан

Ташбеҳлар 19

Петер Ҳертлинг

Елканларинг олдида 21

Дитер Веллерсхоф

Лабларинг 23

Вольф Бирманн

Бригитта 25

Валтер Ҳелмут Фриц

«Уз йўналишини ўзи...» 27

Бодо Морсхўйзер

Елғизлик 29

Йорг Фаузер

Жон ўлчови 31

Карин Кивус

Мўрт совға 32

Ҳанс Юрген Хайзе

Чунки сен 33

Дитер Лайзеганг	
Чиройли сўзлар	34
Рихард Шитрас	
Аннага бағишланган биринчи шеър	35
Роберт Гернхард	
«Бақалар пастда...»	56

Баҳром Рўзимуҳаммад

ДАВСАМАН

Таржимон: профессор Ингеборг БАЛДАУФ

Соя	38
Аросатда	40
Дераза пардаси яшилланмоқда	41
«Булбул сайроғига:»	42
«Суврат»	43
Учбурчак шеър	44
Ишонч йўқолаётганда	45
Акс ҳолда	46
Яхши бўлди	47
Давсаман	48
Инсоннинг саргузаштлари	50
Кубронинг ити	52
Оний мулоҳаза	54
Кўзойнак тақиб	55
Сен учавер	56
Асл умрим	57
Ривоятлар	58
Донишманднинг китоби	62
«Ҳали туғилмаган пайтимдаги:»	64
«Чўзилиб ётибди РУҲ:»	65
«Ярқироқ эди умидлари:»	66
«Бир парча гўшт:»	67
Сен кўзгу бўл	58
Телба	69
Эҳтиёткор	70
Ой ўрнига	71
«Бунча имиллайсан:»	72
Кўргазмали қурол	73
Харид	74
Кўзи бўлса	75
Вокзалнинг кутиш хонасида	76
Агар	77
Бегуноҳ	78
Учрашув	79
«Елғизман:»	80

Ўзбек ва немис тилларида

Т А Н И Ш У В

Kennenlernen

Тошкент «Уқитувчи» 2000

Кичик муҳаррир *Х. Зоиржонова*

Бадий муҳаррир *Ш. Хўжаев*

Техник муҳаррир *Т. Грешникова*

Мусахҳиҳ *Д. Умарова*

ИБ №7805

Теришга берилди 5.05.2000. Босишга рухсат этилди, 2.06.2000. Бичими 70x90 1/32. Кегли 8 шпонсиз. Литературная гарн. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 3,22. Шартли кр.-отт. 3,47. Нашр т. 2,51. 500 нусхада босилди. Буюртма №83.

«Уқитувчи» нашриёти, Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 11—47—2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 2000.

Танишув Кенненлеген. Шеърлар.—
Т.: «Уқитувчи», 2000—88 б.
Тит. в., текст ўзб.; нем. тилларида.

ББК 83:3Уззя7+83. 34 Геря7

200c

„OQITUVCHI“